

САЛАФИЙЛАР ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД

Диний эътиқод қадим даврлардан буён ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Динлар ва эътиқодлар тарихнинг турли даврларида инсонлар ҳаётида ўзининг бирлаштирувчилик, бошқарувчилик, компенсаторлик ва легитимловчилик каби хусусиятлари билан турли даражаларда таъсир кўрсатган. Ўзбек халқининг бугунги замонавий ҳаётида эса бу вазифаларни ислом дини ва ақидаси бажармоқда. Аммо ҳозирги кунда ислом ақидасига ўзининг бузғунчи қарашларини сингдириб дин орқали жамиятимизга таҳдид солаётган оқимлар ҳам йўқ эмас. Шундай диний экстремистик оқимлардан бири салафийлардир.

Сўнгги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, интернет сайтларида, ижтимоий тармоқларда “салафийлик”, “салафийлар” каби иборалар тез-тез такрорланиб турибди. Хўш, аслида салафийлар кимлар?

“Салафийлик” ибораси араб тилидаги “سلف” сўзидан олинган бўлиб, “аждодлар”, “аввал яшаб ўтганлар” маъноларини англатади. Қуръони каримнинг Зухруф сурасида “салаф” сўзи “аввал яшаб ўтганлар”, “ўтмиш (кишилари)” маъноларида ишлатилган¹.

Диний истилоҳда “салаф” сўзи муайян бир давр билан боғлиқ маънони беради. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисида бундай дейилади: “Энг яхши давр менинг даврим, сўнг уларга яқин бўлган, сўнг уларга яқин бўлган даврлардир”².

Уламолар мазкур ҳадисга асосланиб саодат асрида ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонларни “салафи солиҳ”, яъни “солиҳ аждодлар” деб тавсифлайдилар. Кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан бу атама қўлланилмайди³. Таъкидлаш лозимки, мазкур уч даврда яшаган барча инсонлар ҳам “салафи солиҳ”лар дейилмайди. Пайғамбар вафотидан сўнг турли фитначи, бузғунчи тоифалар чиқди. Уларга нисбатан “салафи солиҳ” ибораси қўлланилмайди.

¹ Иброҳимов Н. ва б. Ал-Қомус. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи. 2017. Ж. 2. – С. 545.

² Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Тошкент: Ҳилол- Нашр, 2018. – 8-Ж. 704 б.

³ Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Тошкент: ТИУ нашриётматбаа бирлашмаси, 2010. – С. 5.

Аҳли сунна валжамоа анъанасига кўра, салафи солихлар давридан кейин яшаган мусулмонлар “халафлар”, яъни “кейингилар” деб аталади. Сўнгги йилларда “салафи солихларга эргашиш” шиорини ниқоб қилиб олган, мутаассиб кўринишдаги “сохта салафийлар” пайдо бўлди. Улар диний, маънавий, ижтимоий ва сиёсий йўналишларда саодат асрига қайтиб, мусулмонларнинг эътиқоди ва дунёқарашини ҳозиргача турли соҳаларда эришилган натижалардан “поклаш”ни ўз олдиларига “мақсад” қилиб кўйганлар.

Сохта салафийлар ҳар қандай янгиликни бидъат деб ҳисоблаб, фикҳий мазҳабларни инкор қиладилар, тасаввуфни тан олмайдилар, арзимас баҳоналар билан мусулмонларни кофирга чиқарадилар. Уларнинг фикрича, салафи солихлар даври, яъни Исломнинг илк уч асридан сўнг мусулмонлар орасида ширк, бидъат ва хурофотнинг турли шакллари авж олди. Жамият ҳаётида юзага келаётган айрим муаммолар айнан салафи солихларга эргашмасликнинг оқибатидадир, деб таъкидлайдилар.

Сохта салафийлар илгари сурувчи асосий ғоялар:

- Қуръони карим ва суннатдаги қоидаларни сўзма-сўз тушуниб, кўр-кўрона амал қилиш орқали бошқа манбаларни ботилга чиқарадилар;
- “такфир” (куфрда айблаш) ва “ҳижрат” (ватанни тарк этиш) масаласини илгари сурадилар;
- фикҳий мазҳабларни инкор қилиб, мазҳабсизликни тарғиб қиладилар;
- тасаввуф, урф-одат ва миллий қадриятларни инкор этадилар;
- бошқа дин вакилларига ўта тоқатсиз муносабатда бўлиб, диний бағрикенгликни ёқламайдилар;
- ҳар қандай янгиликни “бидъат” деб ҳисоблаб, уни рад этадилар.

Ҳадисларда шундай матнлар борки, юзаки қараганда, бу матнлар Қуръон ва суннатда бўлмаган ҳар қандай нарсани пайдо қилишдан қайтарилгандек кўринади. Жумладан, Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Ким бизнинг ишимизда унда бўлмаган янгиликни пайдо қилса, у рад этилади»⁴, дейилган.

⁴ Қаранг: Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Тошкент: Ҳилол- Нашр, 2018. – 8-Ж. 704 б.

Имом Муслим ривоят қилган бошқа бир ҳадисда эса: “Дарҳақиқат, энг яхши сўз Аллоҳнинг Китоби, энг яхши йўл Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлидир. Ишларнинг энг ёмони эса уларнинг янги пайдо бўлганларидир ва ҳар бир янгилик залолатдир”. Юқорида келтирилган ҳадисларни тўғридан-тўғри тушуниш Исломни тараққиёт билан ҳамнафас эмаслиги ва у ўзи нозил бўлган замонгагина яроқли бўлган эски дин сифатида қораланишига олиб келади.

Ҳазрат Билол бомдод намозига азон айтаётганида “ас-солату хойрум минан-навм” жумласини қўшиб айтади. Пайғамбар буни қўллаб-қувватлаб, ҳатто доимо айтишни жорий қилганлари “бидъат” тушунчаси ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил қилишга кўмак беради.

Уламолар юқоридаги ҳадисларда келган “бидъат” сўзини ўрганиб, унинг луғавий ва истилоҳий маъноларини қуйидагича талқин қилганлар: “Бидъат” луғатда олдин бўлмаган бирор нарсани пайдо қилишдир. Бунга Пайғамбар алайҳиссалом ва халифалардан кейин пайдо қилинган нарсалар ҳам киради. Шунингдек, у яхши ва ёмон бўлган, ибодат ёки ибодат бўлмаган нарсаларнинг барчасини ўз ичига олади”. “Сохта салафийлар” бу борада ўта тор йўл тутиб ҳар қандай турлардаги янгиликларни бидъат ва залолат деб баҳо берган.

Аммо Ислом уламолари бу борада кенгрок мушоҳада юритишади. Имом Шофеий бундай деганлар: «Янги пайдо қилинган ишлар икки хил бўлади. Биринчиси, Қуръон, суннат, асар (саҳобий ва салафи солиҳлар сўзи) ёки ижмога хилоф бўлган янгиликлар бўлиб, бу “бидъати саййиа”, яъни ёмон бидъат ҳисобланади. Иккинчиси, яхши нарсалар учун пайдо қилинган ишлар бўлиб, “бидъати ҳасана”, яъни яхши бидъат ҳисобланади”.

Бидъати ҳасанага тарихдан кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Масалан, Умар ибн Хаттоб мусулмонларни Убай ибн Каъбнинг орқасидан жамоат бўлиб таровиҳ намозини адо этаётганларини кўриб: “Бу қандай ҳам яхши бидъат”, деганлар.

Шунингдек, Абу Бакр Қуръони каримни китоб ҳолига келтириб, жамлаганини кўриш мумкин.

Замонамиз уламоларидан Имом Ноблусий бундай ёзади: «Бугунги кунда дунё каттадан-катта ўзгаришлар, тараққиётни бошидан кечирмоқда. Инсон ақлини шошириб қўядиган янги ихтиролар дунё юзини кўрмоқда. Хўш, Расулуллоҳ алайҳиссалом: “Ҳар қандай бидъат залолатдир”, деган ҳадисларида айтилган “янгилик”да айнан шуларни назарда тутганмилар?! Йўқ, албатта. Расулуллоҳ алайҳиссалом назарда тутган бидъат бу – ақоид, шариат ёки ибодат масаласида унда бўлмаган бирор нарсани қўшишдир».

Демак, мусулмонлар орасида янги пайдо қилинган нарса дин асосларига оид масалаларда бўлса, у янгилик “бидъати саййиа” ҳисобланади ва шу бидъат қораланади.

Бошқача айтганда, “бидъати залолат” фақат дин асосларига оид масалаларда бўлади. Юқорида келтирилган ҳадис ҳам айнан шунга далолат қилмоқда: «Бизнинг ишимизда янгилик пайдо қилса...», яъни ишдан мақсад Расулуллоҳ алайҳиссалом ва у зот билан бирга мусулмонлар жамоасининг ишидир. Дунёвий ишларда насс ва муайян диний қоидаларга ҳилоф келмаса, уларда ёмон бидъат йўқдир. Яъни, ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаромга айлантириш каби бидъатларга йўл қўйилмаса, бунга эътироз йўқ⁵.

Шу ўринда куйидаги воқеани келтириб ўтиш ўринли. Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом хурмони чанглатаётган одамлар олдидан ўтиб қолдилар ва уларга бундай қилишга ҳожат йўқлигига ишора қилдилар. Улар Расулуллоҳ алайҳиссаломга итоат этдилар, лекин ўша йили хурмо аввалгидек яхши ҳосил бермади. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Дунё ишларингизни ўзингиз яхши биласиз», деб айтдилар.

Пайғамбар ва рошид халифалар замонида мавжуд бўлмаган, аммо кейинчалик юзага келган ҳар қандай янгилик аниқ тарзда келган насс билан рад этилмаса ва унинг натижасидан яхшилик, умумманфаат кутилса ҳамда инсонларга нафи тегса, бундай янгилик шаръий ҳалолдир.

⁵ Рамазон Бутий. Ас-Салафийя марҳала заманийя ла мазҳаб исламий. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1998. – С. 231–236.

Хулоса қилиб айтганда, Исломдаги ҳар бир янгилик агар у диндаги муқаррар қонун-қоидаларга хилоф бўлмаса, “бидъати залолат” ҳисобланмайди. Сохта салафийлик Ислом дини таълимотларига зид бўлиб, мусулмонларнинг дунёвий соҳаларда тараққиётга бўлган интилишига тўсқинлик қилувчи йўналишдир. Улар мўмин-мусулмонлар ўртасида уруш, низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Ваҳоланки, динимиз ўз номи билан фақат эзгуликни тарғиб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири. /Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур; таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н.Иброҳимов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: М.Аҳмаджонов. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017. – 626 б.
2. Имом Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Тошкент: Ҳилол- Нашр, 2018. – 8-Ж. 704 б.
3. Рамазон Бутий. Ас-Салафийя марҳала заманийя ла мазҳаб исламий. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1998. – С. 231–236.
4. Иброҳимов Н. ва б. Ал-Қомус. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа уйи. 2017. Ж. 2. – С. 545.
5. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Тошкент: ТИУ нашриётматбаа бирлашмаси, 2010. – С. 5.